

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛИгини  
ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ

ЙЎНАЛИШЛАРИ”

мавзусидаги

республика илмий-амалий анжуманининг

# ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

2012 йил 29 февраль

ТОШКЕНТ-2012

76.	Ахмедов А., Рахимов Х.У.	Халқаро талаблар асосида тижорат банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш йўналишлари	19	Холмирзаева Д.С., Отажонов Ш.И.	Капитал киритишда амалга ошириладиган инвестицияларнинг иқтисодий самардорлигини баҳолаш мезонлари	241
77.	Бобожонов Ж.А.	Қимматли қоғозлар бозорида акциялар сони ва битимлар суммаси ўртасидаги алоқа зичлигининг корреляцион-регрессион таҳлили	19	Макутов С.А.	Ўзбекистон кулай инвестиция муҳитини таъминлашда валюта сўбасининг ўрни	243
78.	Аминов Ф.Ф., Зайнетдинова М.М.	Повышение ликвидности банка путем развития денежного рынка	19	Ибрагимов Г.С.	Мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш	244
79.	Жўраев Д.А.	Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларнинг ликвидлигини баҳолаш	20	Рахматуллаев Б.А.	Акциядорлик жамиятларида капиталлар тарқибини самарали бошқариш омиллари	246
80.	Рахимов Х.У., Холжиева Н.	Тижорат банклари фаолиятида барқарорликни таъминлаш усуллари	20	Холмирзаева Д.С.	Қиплоқ ҳўжалигида . инвестициялардан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг илмий-услубий жиҳатлари	248
81.	Хўсенов Х.К.	Молиявий глобаллашув шароитида валюта операцияларининг ўзига хос хусусиятлари	20	Раулов Н.М., Муллабаев Б.Б.	Корхоналарнинг инновация муҳитини шакллантиришда тижорат банкларининг роли	250
82.	Хайдаров А.А.	Банклар ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги	20	Каюмов Р.И., Музаххонова И.	Пути снижения инвестиционных рисков коммерческих банков по операциям с ценными бумагами	252
83.	Boboynova Z., Jumayev B.	Measurement of liquidity risk by the standards of the calculation of banks in the international framework	20	Каюмов Р., Керимова Р.	Пути расширения инвестиционной деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан	254
84.	Икратова Н.	The importance of market segmentation in private banks' marketing strategy	21	Имомов Х.Х.	Инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг молиявий асослари	256
85.	Ganiev A.	Basel III: new banking regulations in post crisis period	21	Харченко Л.В., Абдусаламов О.Э.	Совершенствование процесса управления денежными потоками инвестиционных проектов в реальном секторе экономики Узбекистана	258
86.	Рахимов А.А., Қодиров Ш.А.	Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органининг ўрни ва ахамияти	21	Гулямова Н.Х., Мирахмедова З.Т.	Совершенствование методов оценки эффективности инвестиционных проектов коммерческими банками	261
87.	Хамзаева Д.С.	Аҳоли маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш ишларининг самарадорлиги	21	Султанов М.	Возможности коммерческих банков по созданию инвестиционных фондов	263
88.	Қувондикова Д.	Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида молия бозори ва рақобатдош бозорлар инфратузилмасини шакллантириш	21	Мамажонова Т.А.	Мева-сабжаёт маҳсулотларини саклашнинг молдий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда бошқарув самардорлигини ошириш	265
89.	Сагаров Б.К.	Ўзбекистонда ипотека кредитларини қайта молиялаштиришни ташкил этиш йўллари	22	Костюченко А.В.	Роль коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов инновационного характера	267
90.	Эргашев А.Р.	Тижорат банкда операциялар тавakkалчилик ва унинг даражасини ҳисоблаш усуллари	22	Махмудов Ж.Х.	Жаҳолда инвестицион банкларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ичкирош шароитида уларни тартибга солиш масалалари	268
91.	Юнусова М.М., Юнусов Ш.Ш.	Самарали банк тизими – иқтисодий тараққийёт омилли	22	Ўлдошев Ж.Т.	Олий таълим тизимини молиялаштиришда банк тизимининг роли	271
2-шубъа.						
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА НОБАНК МУАССАСАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЙАВИЙ ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДЎ УЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ						
92.	Тухлиев Б.К.	Инвестицияларни молиявий таъминлаш орқали бозор механизмларини ташкил этиш тамойиллари	22	Ишанходжаев А.А., Алимартонов Э.Д.	Методы оценки эффективности инвестиционных проектов	273
93.	Алимартонов М., Бобожонов Б.	Республикамизда инвестиция фаолиятининг ривожланиш истиқболлари	23	Халқаро бозорга миллий фонд бозорининг интеграциялашуви	Халқаро бозорга миллий фонд бозорининг интеграциялашуви	275
94.	Акабирова Д.Н.	Принципы управления реализацией инновационных проектов и программ	23	Неманнов Д.А., Ахмедов Х.М.	Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни бошқариш	278
95.	Тоймухамедов И.Р., Мухаммадиева Д.С.	Иқтисодиётни тарққий қайта куриш даврида инвестиция сўбаси	23	Ахмеджанов С.	Банкларда инвестициявий кредитлашнинг долзарб жиҳатлари	280
96.	Темиров А.А., Раулова Ш.Р.	Мамлакатимизда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари	23	Муратов С.Н.	Ўзбекистон банк тизимига чет эл инвестицияларини жалб этишни фаолаштириш	281
97.	Кенжаева З.Э.	Портфельли инвестициялар ва уларнинг иқтисодиётга роли	23	Нормуратов А.Н.	Ўзбекистонда халқаро пул ўтказмаларининг инвестицион манба сифатида ахамиятини ошириш	283
98.	Ханкельдиева Г.Ш., Хонкелдиева К.Р.	Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш орқали банкларда инновацион сўбасини ривожлантириш	23	Сифаров Ш.Ю., Юлдашева М.М.	Валюта курсидаги инвестиция сўбасини амалга оширишда фойдаланиш масалалари	285
99.	Қарлибаев Р.Х.	Молиявий бозорларнинг эҳтимоли моделлари ва активлар даромадлигининг математик қўтиллишини ҳисоблаш услуби	23	Султоибоева М.Б.	Инвестицион лойиҳаларга мўлжалланган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифининг қўлланилиши	287
					Ўзбекистонда инвестиция фондлари фаолиятини ривожлантириш йўллари	289

Тижорат банклари балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Аmmo шуну қайд этиш лозимки, бугунги кунда инвестиция муҳитига бир қанча салбий омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Булар сирасига мавжуд инфратузилмалардан фойдаланишдаги муаммоларни келтириш мумкин. Шунингдек, солиқ, божхона, банк соҳасида ва инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ тўсиқлар ҳам тез-тез учраб турибди. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги ибораларини эсга олиш жоиз, яъни "Барчамиз олдий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилан ҳам бўлмайди"<sup>96</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 йилдаги "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўлайитиришга рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"<sup>97</sup> ги қарори қабул қилинди. Шунга кўра қуйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисобланади:

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция снэсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

- лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

- инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

- таваққалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлинулларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш

<sup>96</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз таракқлиети ва халқамиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

Иқтисодиётларнинг глобаллашуви, байналминиллашуви ва бир-бирига кириб бориши, чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш ҳаётий заруратга айланиб бораётган ҳозирги шароитларда, инвестиция фаолиятини тартибга солиш, инвестиция капиталини бизнинг мамлакатимизга экспорт қиладиган мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этилади.

Келажақда мамлакат иқтисодий потенциалини кўтариш ва барча бирламчи, асосий тармоқларни мувозанат ҳолда ривожлантиришда ушбу манбалардан фойдаланиш республикамиз таракқлиетига ижобий таъсир кўрсатади.

*И.ф.н. А.А. Темиров, ДДУ,  
Ш.Р. Раупова, Бухоро банк иқтисодий коллежи*

### Мамлакатимизда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари

Ҳар қандай ислоҳот муваффақияти бу борадаги дунё тажрибасини, айнакча бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётини ўрганаш ва тажрибасини миллий иқтисодиётга ўринли татбиқ этишга боғлиқ.

Инвестиция фондлари ривожлантирилишида хориж тажрибаси муҳимдир. Маълумки, коллектив инвестиция фондлари жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари турлича номланади, хусусан, Россияда пайчилик-инвестиция фонди, АҚШ ва Канадада Ҳамжиҳатлик фонди, Англияда курилиш ташкилотлари ва бошқалар. Уларнинг номланиши турлича бўлса-да, бажарадиган функциялари деярли бир хил.

Инвестиция фондлари қимматли қозғаларга бевосита инвестиция қилиш ва харажатларини қисқартиришни тақлиф этади. Бунга кўшимча қилиб шуну айтиш керакки, инвесторлар учун солиққа тортиш масаласи бўйича самаралидир. Бунинг баробарида, инвестицион фондларнинг қўлайича профессионал инвестицион бошқарув ва инвесторнинг шахсий ҳисоботи ва уларни солиқ органларига тақдим этиш вазифаларини қисқартириш каби устуңликка эга.

Инвестиция фондлари унинг эгалари олдига инвестиция қилинган қимматли қозғалар ичидан қайси бири (ёки бир нечаси) максимал даражада даромад келтиради деган саволни қўяди. Компания бошқарувчилари пайчилик эътиборига фондларнинг фонддини, яъни бошқа инвестиция фондларига ўз маблағларини жойлаштиришни тақлиф этади. Бу билан танлаш ва активларни диверсификациялаш муаммоси хал этилади. Бирок бу қўлайликлар қатта микдордаги комисион харажатлар ва паст даромадлик эвазига олинади.

Инвестицион фондларнинг ғояси аниқ, яъни хусусий инвесторга бир неча фондларни бир вақтнинг ўзида беришдир. Натжижада вақт тежаллади, шунингдек, рисклар бўйича баланслаштирилган портфель юзага келади. Инвестицион

фондларнинг асосий мақсади аҳоли кенг оммасининг пул маблағларини марказлаштиришга, яъни инвестиция жараёнига жалб қилишга йўналтиради.

Охиригى ўн йилликда хорижда коллектив инвестиция институтлари ривожланиб бормоқда. АҚШда учдан бир қисм америкаликларнинг ҳисоблари нобанк молия-кредит институтларида сақланади. Активларнинг қийматлари сезиларли даражада ортиб бормоқда. 2010 йилда январда инвестиция фондларидаги маблағлар миқдори 5,9 трлн. доллардан ортиқ, унинг қатнашчилари сони 75 млн. кишидан ортиб кетди. Фондлар сони 7351 та, бошқарув компаниялари 418 тани ташкил этди. Бундай фондларнинг активлари шу қадар каттаки, уларнинг миқдорини тижорат банк активлари билан солиштириш мумкин.

Бутоқ Британияда инвестиция фондларининг энг йириги бўлиб "Форин энд Колониал Траст" (Foreign and Colonial Trust) ҳисобланади. Унинг активлари қиймати 2008 йилга келиб жаҳон бўйича 8,5 триллион доллардан ортиб кетди.

Инвестиция фондларининг глобаллашув шароитида имкониятлари ўз мамлакатлари чегарасидан чиқиб хориж мамлакатларининг активларига қўйилмоқда. ИФларни бошқаришнинг халқаро консолидацияси жараёни амалга оширилмоқда. Британия бозорида инвестиция фондлари активлари 2005 йилдан кейин 270 млрд. долларга етди. Францияда активлар суммаси 630 млрд. долларни ташкил этиб, 30 % француз оиласи инвестицион фондларнинг акцияларига эга. Португалия ва Испанияда инвестицион фондлар активлари 40 %дан ортди.

Инвестиция фондларида одамлар ўзларининг жамғармаларини ошириш ва қўйилган инвестицияларини диверсификациялаш имкониятларини кўрмоқдалар. Бундан ташқари, пул бозорлари фонди сони ортиб бормоқда. Бу эса банкларга бўлган ишонч йўқолиб бораётган даврда депозитларга нисбатан катта даромадлар келитишини кўрсатмоқда. Шунини айтиш жоизки, кўп мамлакатларда инвестиция фондларига инвестициялашни рағбатлантириш мақсадида солиқ ва бошқа имтиёзлар яратилган. Бироқ, бундай имтиёзларсиз ҳам акция ва облигацияларга қилинган бевосита инвестицияларга нисбатан нейтрал бўлиб қолмоқда.

Республикамизда инвестиция фондларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Инвестиция фондларини ривожлантириш учун қимматли қоғозлар бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш керак.
2. Инвесторлар ўз маблағларини инвестиция фондларига қўйишлари учун муваффақиятли бошқарув ва даромадлар орттишини кўра олиши керак.
3. Инвестиция фондлари ўзларининг қимматли қоғозларини чиқаришлари ва уларни инвесторлар ўртасида жойлаштира олишлари шарт.
4. Инвестиция фондларидан келадиغان даромадларига солиқ имтиёзлари қўлланилиши керак.
5. Кишиларнинг инвестиция фондлари тўғрисидаги ҳуқуқий билимлари жуда паст. Шу сабабли ҳам қимматли қоғозларга ишончи йўқ. Бу бўшлиқни турли воситалар орқали тўлдиретиш зарурати юзага чиқади.

6. Инвестиция фондларига бўлган ишонч давлатнинг ишончли ҳимоясига боғлиқ, бунда қўйилган инвестициялардан келадиغان барча зарарлар қонуний йўл билан тўлалигича қопланиши зарур.

### Кат. ўқитувчи З.Э. Кенжаева, Тошкент банк-кредит ҳисоб коллежи

#### Портфелли инвестициялар ва уларнинг иқтисодийдаги роли

Портфелли инвестициялар молиявий инструментлар, яъни муайян турдаги қимматли қоғозлар учун қўйилган маблағлар йиғиндисидир. Улар инвесторларга қимматли қоғозлардан дивидендлар, фоизлар ва курс фарқи (чайқов операциялари) ҳисобига даромадлар келтиради. Молиявий инструментларни харид қилиш (қимматли қоғозлар) реал капитални ташкил қилмайди, лекин келажакда қимматли қоғоз олди-сотдисидан тушган пуллар реал тармоқнинг аниқ лойиҳалари реализациясига қўйилиши мумкин. Портфелли инвесторларнинг портфелли инвестицияларга капитал қўйишдан мақсад кам рискда кўпроқ даромад олишдир.

Портфелли инвесторлар институционал инвесторлар бўлиб, қимматли қоғоз портфелининг фундаментал прогнозига улар котировкасининг ва эмитентлари бизнесининг узоқ муддатли ва ўрта муддатли режада юритилишига асосланадилар, кейин портфелнинг даромадлилик ва рисклилиқ ҳисобига эришиши учун қимматли қоғозларни қайта сотиш, харид қилиш операцияларини амалга ошириб, бу портфелларни бошқарадилар. Бундай операциялар чайқовчилик деб номланиб, портфелли инвесторлар томонидан турли эмитентлар, шу жумладан, хусусийлаштириш жараёнида тузилган корхоналарнинг турли эмитентлари қимматли қоғозлари муомаласида қимматли қоғозлар чайқов бозорида амалга оширилади.

Портфелли инвесторлар инвестицион портфелни шакллантириб ва уни бошқариб, қимматли қоғозлар курс қийматининг ўсиши ва улардан тўловлар бўйича фонд даромадлари ҳисобига даромад оладилар. Улар ўз активларини жойлаштиришда қуйидаги ишларни бажарадилар:

- инвестицион портфель шаклланиши учун қўлланиладиган актив турини танлаш;
- қимматли қоғозлар хар бир турида қўйиладиган воситалар ҳажмини аниқлаш;
- асосий муваффақият омили ҳисобланган сўсий, иқтисодий ва молиявий ахборотларга эга бўлиш.

Давлат корхоналарни хусусийлаштиришда акционерлик жамияти сифатида иштирок этадиган стратегик портфелли инвесторлар, қондага кўра, қимматли қоғозлар бозори ёки давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш учун вақил қилинган давлат органидан махсус теңдер бўйича акция пакетларига эғалик қилиши мумкин. Бундай инвесторларга қуйидагилар қиради: йирик тармоқ корхоналари (кўшма холдинглар, концернлар), стратегик портфелли инвестрлаштириш билан шуғулланувчи хусусий фирмалар (шу жумладан,